

МУХИМ ИСЛОХОТ

# Ўзбекистон – Ватаним маним!



**“Бор экан-ку адолат, шунча йил одам ўрнида кўришмади бизни. “фуқаролиги йўқ шахслар” деган тамга остида юрак ховучлаб яшадик. Фарзандларимиз кўзига қарай олмадик ҳатто, дунёдан ватансиз ўтиб кетамизми, қачон эркин нафас оламиз деб ўйлардик. Ниҳоят, биз интиқиб кутган кунлар келди. “Табриклаймиз, бугундан бошлаб сиз Ўзбекистон фуқароси бўлдингиз!” дея кўлимизга паспорт тутқазган лаҳзалардаги ҳаяжонимизни тасвирлаб беролмаймиз. Ана шундай шодмонликни тақдим этган Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан бир умр миннатдоримиз”.**

Ўзбекистонда 15 йил давомида доимий яшаб келаётган, аммо фуқаролиги бўлмаган шахсларни фуқароликка қабул қилиш тар-

тиби жорий этилиши, ҳеч шубҳасиз, кейинги йилларда амалга оширилган энг муҳим ислохотлардан биридир.

Эсланг, бир замонлар ушбу амалиёт сунъий равишда тўхтатиб қўйилгани оқибатида ўн минглаб юртдошларимиз қарийб чорак аср мобайнида сонда бор-у, санокда йўқ қабилда яшаб келишди. Ҳатто оддийгина инсоний ҳуқуқлардан фойдаланиш доираси чекланди. Албатта, 96 минг жон ўзидан ўтганини ўзи билади. Айтишга осон, 25 йил деганда яшил паспортни қўлга олиб, кўнгли тўлиб йиғлаган инсонларнинг кўз ёшлари талхини

бошқа ҳеч ким ҳис эта олмайди. Бундай юртдошларимизнинг дeryли барчаси давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниб, шахсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳуқуқларидан эмин-эркин фойдаланиш имконига эга бўлдилар. Ва бугун улар ҳам сизу биз билан баб-баравар “Ўзбекистон – менинг Ватаним!” дея гурурга тўлиб, фахрланиб яшамокдалар.

**БУГУНГИ СОНДА:**

**ЛОЙИҲАЛАР ЧАККИМАС:**

5 миллиардлик кредит ва 2 300 та иш ўрни

2

**МАНФААТ ВА МАҚСАДЛАР МУШТАРАК**

O'zLiDePнинг Сайловолди дастурида ҳам “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш устувор вазифа...

3

**ЭМЛАНДИМ. ЭМЛАНДИ! ЭМЛАНДИНГИЗМИ?**

“Вакцина – вирус билан курашишнинг энг яхши усули эмас. Лекин инсоният ҳали ундан яхшисини ўйлаб топгани йўқ”.

4

**МИНГТЕПАЛИК ДЕПУТАТНИНГ АРМОНИ**

– Ҳамма тирикчилик деб, ўзи учун ўл етим бўлиб юрган бир пайтда сиз бепул хизмат кўрсатадиган боғ яратдингиз. Темир китоблар ўрнатибсиз боққа. Қанча тураркан сир бўлмаса?

6

Марказий сайлов комиссиясида

Сайлов – муҳим сиёсий жараён. Унинг боришини ОАВ вакиллари иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жараён нечоғли кўп ёритилса, фуқароларнинг фаоллиги шу қадар ошиб, ҳуқуқий онги ва билими янада кенгайиб бораверади. Сайловларни яхши ва сифатли ёритиш учун эса, шубҳасиз, яхши шароит мавжуд бўлиши керак.


Куни кеча Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида “Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида журналистлар учун яратилган шарт-шароит ва қулайликлар, шунингдек, сайлов лейбли тавсифи” мавзусидаги тадбирда ҳам бунга алоҳида аҳамият қаратилди. Дарҳақиқат, ушбу матбуот марка-

зида журналистлар учун барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилган: улар ўз фаолиятларини бемалол олиб боришлари учун компьютер ускуналари билан тўлиқ таъминланган, юқори тезликдаги wi-fi, овқатланиш жойи ажратилган. Бу хизматдан ҳам марказга келган ҳар бир ОАВ ходими бемалол фойдалана олади. Тадбирда шу каби қулайликлар тақдимот қилинди.

Шу билан бирга, сайлов кампаниясининг ўзига хос имижини – сайлов логотипини ҳам тақдим қилиниб, унинг тавсифи тушунтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказиш даврида кенг фойдаланиладиган рамзлар, сайловнинг юзи ҳисобланувчи логотип ҳамда бошқа атрибутларнинг кўриниши ва моҳиятини ишлаб чиқишда аввалги сайловлардан орттирилган малака, шунингдек, замонавий дунё тажрибасига таянилган.

Дунё тажрибаси, хусусан, Россия, АҚШ, Франция, Корея Республика-

# Логотип танланди



ларининг сайлов ўтказиш борасидаги амалиёти ўрганилганида маълум бўлдики, ривожланган мамлакатларнинг аксарияти ўз сайлов кампаниясини ўтказиш чоғида фойдаланадиган логотипида учта жиҳат бўлишига алоҳида аҳамият қаратар экан. Булар: муайян сана; ҳамма учун бир хилда тушунарли

рамз; давлат байроғининг ранги.

– Асосийси, логотип ўзи билан зарур информацияни “ташиши” керак. Бу борада қарийб уч ой мобайнида изланишлар олиб борилди, – деди Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Санжарбек Рашидов. – Мазкур мақсадлар учун махсус фокус гу-

руҳи ташкил этилиб, унинг таркибига юртимиз аҳолисининг барча қатлами: зиёли, ишчи, хизматчи, деҳқон-фермерлар, шунингдек, ёшу кексалар, эркак ва аёллар, умуман олганда, ҳамма тоифа вакиллари киритилди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” мухбири



# КАМБАҒАЛЛИК ҚАЧОН ҚИСҚАРАДИ, ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНСА-ДА!

**Ақтам ХАЙТОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси Спикери ўринбосари,**  
**О'зЛиДеР фракцияси раҳбари**



**Мавлуда ХУЖАЕВА,**  
**О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия**  
**қўмитаси раиси ўринбосари,**  
**О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:**

## ЛОЙИХАЛАР ЧАККИМАС: 5 МИЛЛИАРДЛИК КРЕДИТ ВА 2 300 ТА ИШ ЎРНИ

Ўтган ярим йилда О'зЛиДеР "Аёллар қаноти" хотин-қизларга ҳар томонлама кўмак бўлишга интилади. "Бунёдкор аёллар", "Соғлом оила – мустақкам оила", "Фаровон оила" ҳамда "Ишбилармон аёл" каби лойиҳалар доирасида ижобий натижаларга ҳам эришилди.

Биргина "Бунёдкор аёллар" лойиҳаси доирасида 456 нафар хотин-қизга ўз тадбиркорлигини бошлаши ва ривожлантириши учун тижорат банклари билан ҳамкорликда 5 миллиард сўмдан ортиқ кредит олиб берилишига ёрдамлашди. Қарабсизки, натижада 2 300 та янги иш ўрни яратилди.

"Соғлом оила – мустақкам оила" лойиҳаси доирасида эса жойларда 117 марта бепул тиббий кўрик ўтказилди. Унда 7 800 дан ошди опа-сингилларимиз ва болаларнинг соғлиғи текширилди. Биз бу тадбирларни, айниқса, олис ҳудудларда ўтказишга алоҳида эътибор қаратдик. Чекка қишлоқларда ҳам замонавий хусусий тиббиётни ривожлантириш, сифатли хизматларни жорий этишни тарғиб қилдик.

Президентимизнинг сиёсий партиялар вакиллари билан 2021 йил 2 февралдаги учрашувида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида бир қатор янги лойиҳаларни ишга туширган эдик. Хусусан, ҳар бир маҳаллада ишсиз, уйда ўтирган хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорликка жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳудудларда хурматга сазовор бўлган маҳалла фаоллари, тадбиркор, фермер, ишбилармон хотин-қизларни партия сафига жалб қилиш мақсадида "О'зЛиДеР аёллари – Янги Ўзбекистон бунёдкори" лойиҳасини йўлга қўйдик. Энди ҳар бир маҳалла қошида "О'зЛиДеР фаоли – ислохотлар тарғиботчиси!" клублари ташкил этилмоқда. Шу кунгача улар сони 605 тага етди. Уларнинг 3 095 нафар аъзолари ислохотлар ҳақида, давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами муносабати билан "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" шiori остида турли маънавий-маърифий тадбирлар, тарғибот ва ташвиқот тадбирлари ўтказмоқда.

"Темир дафтар" ва "Аёллар дафтар"ига кирган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш учун депутатларни жалб қилган ҳолда "Бир депутат – юз аёлга кўмакчи" деб номланган лойиҳамиз ҳам ўз самарасини бермоқда. Унда фаол иштирок этган 1 217 нафар депутатимиз ҳозиргача 5 640 нафар хотин-қизга тиббий, ҳуқуқий, моддий кўмак беришга қўлмай, тадбиркорлар билан ҳамкорликда бандлигини таъминлашга ҳам мададкор бўлди. "Аёллар дафтар"идан чиқарилганларнинг уйларига бориб, муаммолари қандай ҳал этилгани, агар кредит олиб, тадбиркорликни бошлаган бўлса, қандай юргизаётганини ўрганимиз.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг бу йилги босқичига ҳам старт берилиб, карантин қоидаларига риоя этган ҳолда ҳозирга қадар 140 та туман-шаҳар босқичи ўтказилди. 6 000 га яқин иштирокчи қатнашди. Эндиги навбат танловнинг вилоят ва республика босқичларига. Умид қиламизки, бу йилги танлов доирасида ҳам янги ишбилармон, фермер опа-сингилларимизни кашф этамиз.

Бўлажак Президент сайловида хотин-қизларнинг фаол иштирокчини таъминлаш, сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларини тизимли амалга ошираемиз.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда давлат иштирокидаги корхоналар сони 2 541 тани ташкил этади. 2021–2025 йилларда мазкур рақамни 75 фоизга қисқартириш кўзда тутилган. Шу боис, жорий ва келгуси йилда давлат улуши бўлган корхоналар сонини камида 3 баробар қисқартириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

тўловлар бекор қилиниб, тадбиркорларга электрон рўйхатдан ўтиш харажатлари Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан қоплаб берилиши минг-минглаб тадбиркорларни хурсанд қилди. Бу борада аукционда мулкни сотиб олганда тўлов муддати ҳозирги 5 кундан 15 кунгача узайтирилиши тадбиркорлар ва бизнес вакиллари учун катта рағбат ва имконият бўлди.

Эндиликда давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотларнинг бино-иншоотлари, транспорт воситаларини сотиш ва ижарага бериш фақат электрон аукцион орқали амалга ошириш тартиби жорий этилади. Бу эса жойларда тадбиркорликнинг кенг ривожланишига, ишлаб чиқариш кўламининг ортиши ва экспорт ҳажмининг ошишига замин яратади. Тадбиркорлик ривожланган жойдагина, албатта, камбағаллик қисқаради, одамлар даромад манбаига эга бўлади, юрт тараққий этади.

Сир эмас, хусусийлаштириш солиқлар тушуми ортиши ва корхоналарнинг модернизация қилини-

шида ижобий натижа беради. Бу билан иқтисодиётдаги муҳим бўғин – хусусий сектор ривожланишига кенгроқ йўл очилади. Бугун хусусийлаштириш жараёنлари анча жадаллашгани, бу давлатнинг мазкур муаммоларга ечим топишга интилаётганидан далолат беради. Пировард мақсад ҳам қаровсиз ҳолда бўлган бино ва иншоотлар негизда замонавий, рақобатбардош маҳсулотларни тайёрловчи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиб, қўшимча иш ўринларини яратишдир.

Фаолияти самарасиз кечаётган корхоналарнинг ишбилармон инсонларга сотилишидан тадбиркор ҳам, жамият ҳам фойда кўради. Хусусийлаштириш жараёнининг очиқ-ошкора амалга оширилиши туфайли хорижлик сармоядорларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши ортиб, жойларда тадбиркорлик жадал ривожланади. Шу нуқтаи назардан бу жараёнининг ҳалол, шаффоф, адолатли ўтиши устидан биз депутатлар парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишимиз зарур.

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилашга қаратилган ишлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида 478 та давлат мулки 1 триллион 100 миллиард сўмга сотилди. Сотилиши белгиланган 556 та мулкдан 288 таси савдоларга чиқарилмагани ҳамда давлат корхоналари ва банклар ихтиёрида уларнинг асосий фаолиятига ҳисса бўлмаган 511 та объект ҳалигача сотилмасдан тургани бу йўналишда қилинадиган ишлар кўплигини аниқлатади.

Айниқса, онлайн аукционда қатнашиш учун



**Абдулла АСЛОНОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ёшлар**  
**масалалари комиссияси раиси, О'зЛиДеР**  
**фракцияси аъзоси:**

## ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ – МАНФААТЛАР ҲИМОЯЧИСИ

Ёшлар парламенти ёшлар билан бевосита тенгдош-тенгдошга тамойили асосида ишлайдиган майдон. Шу боис улар бундан кўпроқ фойдаланиши керак. Тумандан сайланган ёшлар парламенти шу тумандаги ўғил-қизлар манфаатини ҳимоя қилади.

Мазкур парламент аъзолари ўтган 6 ой давомида Қонунчилик палатасида муҳокамага қўйилган 19 та қонунга ўзларининг таклиф ва тавсияларини беришди. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси муҳокамаида уларнинг таклифи киритилган. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғриси-

да", "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида", "Психиатрия ёрдами тўғрисида" ва "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаларига ўз таклифларини билдиришган.

Бу уларнинг қонунчиликдаги камчиликлари тўлдириш баробарида эртанги кунга ҳам бефарқ эмасликларини билдиради.

**Мавлуда ИБРАГИМОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутати,**  
**О'зЛиДеР фракцияси аъзоси**



## СОҒЛИҚДАН УЛУҒРОҚ БОЙЛИК ЙЎҚ

Президентимизнинг 2021 йил 26 июлдаги "Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 2021–2022 йиллар давомида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибига 35 та туманлараро кўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари босқичма-босқич ташкил этилади.

Ўзи бунга эҳтиёж туғилган эдим, деган савол туғилиши табиий. Албатта, тан олиш керак, бу қарор ўз вақтида қабул қилинди. Чун-

ки бугунги кунда юртимизда кўшма шикастланишлар ҳамда ўткир қон-томир касалликлари билан тиббий ёрдамга муҳтож беморларга шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш жуда долзарб бўлиб турибди. Айниқса, ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги мавжуд беморларга гемодиализ хизматида талаб ортиб борапти.

Шунинг учун ҳам қарорда ҳудудлардаги аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, шошилинч тиббий ёрдам ва умумий жарроҳлик бўлимларининг умумий ўринлари сони доирасида 50 тадан 60 тагача ўрин ажратиш, ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасалари штат бирликлари доирасида кўшимча нейрохирург, невролог, кардиолог, анестезиолог-реаниматолог ва бошқа

штатлар киритилиши белгиланди.

Қарорда ҳудудларнинг умумий ўринлар фонди ҳисобидан нефрология ва гемодиализ бўлимларини 50 ўрингача етказиш, диализ аппаратлари ва сарфлаш воситаларини харид қилиш, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий тиббиёт таълим муассасаларида нефрология ва гемодиализ кафедралари фаолиятини йўлга қўйиш, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази биноларини қуриш ва реконструкция қилиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган.

Мақсад эл соғлиғини муҳофаза қилиш, унибўсиб келаётган ёш авлодни соғлом, баркамол қилиб тарбиялашдир.



**Одинахон ОТАХОНОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**  
**депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси**

## "ДЕҲҚОННИНГ ҚАНОТИ" БАҚУВВАТ БЎЛСА...

чиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи ва "Технолог" акциядорлик жамиятларининг устав капиталидаги давлат улушлари уч йил муддатга "Ўзавтосаноат" акциядорлик жамиятига ишончли бошқарувга берилиши ҳамда тармоқ корхоналарининг рентабеллигини ошириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш вазифалари белгиланган эди.

Ўтган даврда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводидаги ишлаб чиқариш майдонлари 68 фоизга мақбуллаштирилиб, ускуналардан фойдаланиш самарадорлиги оширилди. Шу боис маҳсулот таннархи 4 фоиз пасайиб, қарийб 45 миллиард сўм иқтисод қилинди. Қувонарлиси, хорижлик ишлаб чиқарувчилар билан музокаралар ўтказилиб, 80–100 от кучига эга тракторлар нархлари 15–20 фоиз арзонлаштирилди.

Ҳозирда Минск трактор заводи билан ўрнатилган

ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонда ҳар йили 3 мингга трактор ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Жорий йилнинг 5 июль куни қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда кимё sanoатидаги лойиҳалар тақдироти давомида бу масалаларга эътибор қаратилди. Маҳаллий техникалар нархи импортларига нисбатан 10–15 фоиз қимматлиги айтилди.

Тошкент ва Чирчиқдаги қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, Агретат заводи, "Технолог" ва "ЎзКлаас Агро" корхоналари sanoат кластери усулида ягона майдонда жойлаштирилиши қайд этилди. 1 200 та ускуна ва жиҳоз, 28 турдаги техника оптималлаштирилиб, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш 85 фоизга, маҳаллийлаштириш 50 фоизга етказилиши билдирилди. Бу билан ишлаб чиқариш таннархи 20 фоиз пасайиб, корхоналарнинг рентабеллиги даражаси 10 фоиз ошиши кутилмоқда. Президентимиз лойиҳа

билан танишиш жараёнида маҳаллийлаштириш борасидаги ишларни давом эттириб, техникалар нархини арзонлаштириш бўйича алоҳида кўрсатмалар, тавсиялар берди. Минск трактор заводи билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган тракторларни маҳаллийлаштириш даражасини келгуси йил 40, 2023 йилда 50 фоизга, "ЎзКлаас Агро" бўйича бу кўрсаткични 25 фоизгача етказиш вазифасини қўйди.

Маҳаллий техникаларни сотиб олиши учун фермер хўжаликлари ва кластерларга энгиллик яратиш мақсадида лизингнинг бошланғич тўловини 25 фоиздан 15 фоизга, фоиз ставкасини 16 фоиздан 7 фоизга тушириш ҳамда лизинг муддатини 5 йилдан 7 йилга узайтирилиши ҳам барча фермерларни, ер эгалларини беҳад қувонтирди. Яратилаётган имконият ва берилган имтиёзлар миришкорларимиз учун катта рағбат бўлиб, уларни янада катта муваффақиятлар сари илҳомлантирди.

Саҳифани  
**"XXI asr" мухбири**  
**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**  
тайёрлади.

# Манфаат ва мақсадлар муштарақ

Кўп анжуман кўрган бу дунё. Мавзулари турли, мудиолали турфа. Тарихда қолганлари бор, аксинчаси ҳам. Лекин вақти, жойи ва номи ўта зукколик билан танлангани санокли. Самарали яқунлангани, қутилган натижага эришилгани ундан-да оз. Бироқ Тошкент саммити кун тартибидаги масалалар муҳокамаси орта суриб бўлмас нуқтага етганини сиёсатчилар алоҳида таъкидладилар. Амударёнинг нариги қирғоғидаги вазият кейинги пайтларда ниҳоятда кескинлашгани эса бу мажлисга эҳтиёж жуда кучлигини, унинг айтиши шу вақтда чақирилиши ҳаёт тақозоси эканлигини кўрсатди.

Муаррихларнинг битиклари шохидки, ота-боболаримиз азалдан маслаҳат йиғинларида тўпланиб, мавжуд муаммоларга биргаликда ечим излашган. Астойдил интилиш тўфайли топилган ҳам. Бунда оқил инсонлар ташаббуси, узоқни кўра билган етакчилар саъй-ҳаракати муҳим ўрин тутган.

“Марказий Осиё – Жанубий Осиё” форматадаги ўзаро манфаатли стратегик алоқа моделини муҳокама қилиш учун барча томонларга қулай сиёсий майдон вазифасини бажарди.

Нуфузли анжуман тадбирлари доирасида Тошкентда Марказий Осиё халқаро институтининг очилиш маросими тантанали равишда ўтказилганида ҳам ўзига хос маъно бор.

Марказий Осиё 100 миллион нуфусга эга бешта давлатдан таркиб топган бўлса, Жанубий Осиё Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Бутан, Мальдив, Шри-Ланка ҳудудларини қамраб олади. Ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисми шу минтақада яшайди. Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги алоҳида-алоҳида йўлга қўйилиши ўта мураккаб кечадиган жараён саналади. Модомики, умумий тараққиёт мақсадларида Марказий Осиё давлатларининг қўлни кўлга бериши жуда муҳим.

Яқин ва узоқ кўшнилари билан тарихий қурултойлар шаклида кенгаш чақириб режаси Президентимизнинг ён дафтаридан анча аввал ўрин олган эди, десак, мулолафа

кенгайтириш учун ҳар йили минтақаларо форум ўтказиш;

– Минтақаларо алоқаларни янада кучайтириш учун савдо, транзит ва божхона жараёнларини рақамлаштириш, қўшма ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиш;

– БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти шафелигида минтақа мамлакатлари қишлоқ хўжалиги вазирларининг учрашувини ўтказиб, қўшма дастур ишлаб чиқиш;

– Марказий ва Жанубий Осиё турсоператорларининг ягона платформасини шакллантириш, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти иштирокида минтақада туризмни янада ривожлантириш;

– ЮНЕСКО иштирокида Термизда Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий меросига бағишланган халқаро форум ўтказиш;

– Қўшма тадқиқот ва тажриба алмашиш дастурларини рағбатлантириш, олим ва тадқиқотчилар учун энгиллаштирилган виза тартибини жорий қилиш қабилар шулар жумласидандир.

Бу ҳаётий тақлифлар ичида, айниқса,



Ўтган ҳафта пойтахтимизда ташкил этилган тадбирга 40 дан ошмиқ мамлакатдан 250 нафар иштирокчи келди. Унда 90 дан зиёд хорижлик журналист билан биргаликда қатнашар эканман, юқоридаги фикрлар ҳаёлимда бот-бот такрорланди. Амир Темури ва теурирлар уюштирган кенгашлар, Хоразмшоҳлар машваратларида ҳам минтақавий муаммоларни биргаликда ечишга ҳаракат қилинган хусусида ўйладим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мазкур анжумандаги нутқида Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий ва Жанубий Осиё асрлар давомида халқлар ва цивилизациялар ўртасида фалол мулоқотга хизмат қилгани бежиз қайд этилмади. Икки минтақа халқлари бир неча бор умумий давлатчилик тузилмалари таркибидан, сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар маконда ўзаро ҳамжиҳатликда умр кечирганлар. Шу ҳудудда вужудга келган Харалпа цивилизацияси, Юнон-Бақтрия ва Кушон подшоҳлиги, Турк хоқонлиги, Хуросон ва Мовароуннаҳр, Ғазнавийлар, Теурирлар, Бобурирлар ва бошқа давлатлар инсоният тарихида чуқур из қолдирган.

Янги давр дея эътироф этилаётган ҳозирги глобаллашув вақтида минтақавий ўзаро боғлиқликни кучайтириш ташаббуси Ўзбекистон Республикасининг очик ташки сиёсий стратегияси доирасида илгари сурилгани эътиборга молик. Бу ғоя Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш орқали минтақамиз билан ҳар томонлама чамбарчас боғлиқ бўлган ҳудуд – Жанубий Осиёга чиқишни назарда тутди.

Юқори даражадаги мазкур конференция транспорт-логистика, энергетика, савдо, ишлаб чиқариш, инвестиция, технологик ва маданий-гуманитар соҳаларда

бўлмайди. Хусусан, ўтган йил 29 декабрь куни парламентга йўлланган Мурожаатномада Жанубий Осиё бўйича анжуман ўтказилиши маълум қилинган. Сўнгги ойларида афғон заминда кузатилаётган можароларнинг янги тўлқини бу конференция нақадар зарурлигини бутун дунёга намойиш этди. Афғонистон Президенти ҳамда Покистон Бош вазирининг анжуманда шахсан иштирок этганининг ўзиёқ ўткир муаммоларга Ўзбекистонда ечим топилишига умид боғланганидан дарак беради.

Нафақат савдо-иқтисодий, маданий-ижтимоий алоқаларни ривожлантириш ва унга доир лойиҳаларни амалга ошириш, балки хавфсизликни таъминлаш масаласи кўпроқ муҳокама қилинган ҳам табиий, албатта. Зотан, тинчлик бўлмаса, бозор ҳам йўқ, йўл ҳам йўқ! Улкан минтақа тугул, қардош халқларнинг ижтимоий алоқалари ҳам узилади.

Анжуманда минтақа халқларининг тарихий уйғунлигига оид қизиқ бир факт ёдга олинди: 1695 йилда ҳинд ҳукмдори Аврангзеб рус савдогори Семён Маленькойга мамлакатда тижорат қилиш ҳуқуқини беради. Ушбу фармон эски ўзбек тилида ёзилган экан. Айтмоқчиманки, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда нафақат ўзбек халқининг, балки давлат тилимининг иштироки ҳам олис ўтмишга эга. Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг мулоқотлар якунида ўзбек тилини тушуна бошлаганини айтгани ҳам шунчаки лутф эмас!

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббусларнинг қай бирини олманг, узоқни кўзлаган сиёсат самараси амалга кўчаётгани яққол билинади:


– Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, кооперация ва инвестициявий алоқаларни

ҳамкорликда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари излаш масаласи жуда долзарб. Сўнгги вақтда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи жадал ўсиб бораётгани, дунёнинг баъзи жойларида аҳоли озиқ-овқат тақчиллигини бошидан кечириётгани ҳам жиддий таҳдиддир.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сайловолди дастурининг устувор йўналишларидан бири ҳам айтиш нуктада яққол акс этади. O'zLiDeP озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини 4 баробар ошириш, мевасабзавот экспортининг йиллик ҳажминини камида 5 миллиард АҚШ долларига етказиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришининг ўртача самарадорлигини ҳамда уларни ишлаб чиқарувчилар даромадини 2-3 баробар оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Диққатга сазовор томони шундаки, конференцияда қатнашган делегация вакиллари умумий хавфсизликни экологик хавфсизликсиз тасаввур этиб бўлмаслигини яхши англаётганликларини намойиш этишди.

Мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар муваффақияти анжуман доирасидаги тақдимотларда ҳозир бўлган хорижлик меҳмонлар урғу берган дастлабки эътироф бўлди. Айниқса, кейинги тўрт-беш йил ичида қилинган ишлар жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортаётгани сир эмас. Бунда юртимизда дарахтлар кесилишига мораторий эълон қилинган, саноат корхоналарига чанг-газни тутиб қолувчи энг замонавий ускуналар ўрнатилган, атмосферага ташланаётган зарарли моддалар миқдори



## "МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ: МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИК. ТАҲДИДЛАР ВА ИМКОНИАТЛАР" МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

тобора камайишига эришилаётгани, бунёдкорлик жараёнида атроф табиий муҳитни асраш билан боғлиқ омилларни албатта ҳисобга олиш мажбурияти юклатилгани, экологик экспертиза қилинмаган бирор-та қурилишга рухсат берилмаслиги муҳим аҳамият касб этаётир.

БМТ тузилмалари томонидан тайёрланган “Ўзбекистон Респуб-



ликасида экологик фаолият самарадорлигининг 3-шарҳи тақдими” давомида айти мулоҳазалар яна бир тилга олиб ўтилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш давлат қўмитаси, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этган мазкур тақдиротда БМТ Бош котиби ўринбосари – Европа иқтисодий комиссияси ижрочи котиби Ольга Алгаерованинг бевосита қатнашгани ушбу тадбирнинг қанчалик юксак даражада эканини кўрсатиб турибди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, экологик фаолиятни яхшилаш бўйича эришилган ютуқларни баҳолаш жараёнида Ўзбекистонда биринчи марта 2001 йилда, иккинчи марта 2009 йилда амалга оширилган.

Учинчи шарҳни тайёрлаш ишлари эса 2018 йил октябрь ойида бошланган эди. Халқаро экспертлар ўтган давр мобайнида бир неча марта юртимизда бўлишган ҳамда экология билан боғлиқ масалаларни жойида ўрганишган. Мазкур шарҳнинг улкан аҳамияти у ёки бу давлатда экологик сиёсат юритиш жараёнидаги ҳолис баҳо берилиши билан изоҳланади.

17 та бобга ажратилган 539 саҳифалик ҳужжатда мустақил экспертларнинг ҳулоса ва тавсиялари ўрин олган. Шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ва стратегик асосларни такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофазалаш соҳасини молиялаштириш, сув ресурсларини бошқариш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича нисбатан долзарб масалалар ёритиб берилган.

Оддий савол туғилади – нима учун ушбу шарҳ тақдими айнан “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция доирасида ўтказилди. Саволнинг жавоби Президентимизнинг мазкур анжумандаги нутқида ўз аксини топган, десак, янглишмаймиз. Минтақада мавжуд таҳдид ва имкониятлар ҳақида сўз юритган давлатимиз раҳбари “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш ва экология масалалари жиддий эътибор талаб қилишини алоҳида таъкидлади.

Уйғунлиқни қарангки, O'zLiDePнинг Сайловолди дастурида ҳам “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш орқали энергия сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари анжумандаги нутқи давомида ундан ошмиқ халқаро аҳамиятга молик долзарб ташаббусларни илгари сурган бўлса, шуларнинг ўртасига олтинчи тақлиф сифатида экология масаласини қўйди. Боиси Марказий ва Жанубий Осиёнинг барча мамлакатларида жадал саноат ва демографик ўсиш жараёни глобал климат ўзгаришлари шароитида юз бермоқда. Тасаввур қилаясизми, бир томонда

терроризм ва сепаратизм билан боғлиқ тақдирлар, иккинчи томонда минтақанинг иқтисодий интеграциясида оид имкониятлар, уларнинг ядросида эса экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш вазифаси турибди. Бамисоли занжир ҳалқалари дейсиз. Бирорта ҳалқаро тегилиши билан бутун занжир ҳаракатга келади.

Келгусида инсониятни бундай офатлардан оғоҳ этиш чораларини эртага эмас, бугун кўришимиз керак. Бунда табиат билан уйғун бўлишга интилиб яшаган аждодларимизнинг тажрибасига таянишимиз зарур. Яъни, худди улар каби қардош халқлар, яқин ва узоқ кўшни давлатлар вакиллари билан қурултойлар шаклида, лоял жирға ёки сабаҳ тарзида кенгашиб, мавжуд муаммоларга биргаликда оқилона ечим топишимиз лозим.

Президентимиз айти жиҳатни ўз ташаббуслари билан бутун дунёга намойиш этди ва жумладан, ер юзи аҳлини ташвишга солаётган экологик муаммоларга оқилона ечим излаш минтақада тинчлик-осойишталикни сақлаш билан бир хил даражада туришини, табиатга таъсир кўрсатишининг салбий оқибатларини кўрсатиб берди.

БМТ мутахассислари тақдим этган навбатдаги шарҳда республикамизнинг энергетика, транспорт, ўрмон хўжалиги, туризм, соғлиқни сақлаш, аҳоли пунктларини ривожлантириш, республикамизнинг барқарор ўсиш манфаатларига йўналтирилган таълимга эътиборни кучайтириш сиёсатини юритиш жараёнида экологик омилларни, албатта, инобатга олиш билан боғлиқ қатъий интилишлари самараси очиб берилган.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда аввалги шу мазмундаги шарҳлардаги тавсиялар қандай бажарилаётгани келтириб ўтилган.

Хўш, “Ўзбекистон Республикасида экологик фаолият самарадорлигининг 3-шарҳи”да келтирилган масалаларнинг амалга оширилиши тўғрисида экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш соҳасида яна қандай мақсадларга эришишга йўл очилади?

**Биринчидан**, соҳанинг институционал-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш негизда экологик сиёсатни янада илдамроқ илгари суришга замин яратди.

**Иккинчидан**, иқтисодиёт тармоқларига, жумладан, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва энергетика секторига экологик масалаларни интеграциялаш имкониятларини кенгайтиради.

**Учинчидан**, халқаро миқёсда республикамизнинг экологик нуктаи назардан хавотирланмиш борасидаги имижни яхшиланишига хизмат қилади.

**Тўртинчидан**, БМТ Европа иқтисодий кенгашининг табиатни ҳимоя қилишга йўналтирилган халқаро келишувларига мамлакатимиз қўшилишининг қанчалик мақсадга мувофиқлигини ўрганишга қулай фурсатни юзага келтиради.

**Бешинчидан** эса, нуфузли ташкилотлар билан алоқаларнинг кучайиши пировардида Ватанимизнинг халқаро ҳамкорлиги янада жадал ривожланиши, жаҳон миқёсидаги обрўси янада мустаҳкамланишини таъминлайди.

Давлат экология қўмитаси мутасаддилари айти шундай жиҳатларни эътиборга олган ҳолда кун тартибига қўйилган масалаларни чуқур таҳлил қилиб, бу борадаги ишларни тизимли равишда давом эттирмоқда.




Озод РАЖАБОВ, “XXI asr” шарҳловчиси

Ҳамма ўқи(ма)са бўлади

# Эмландим. Эмланди! Эмландингизми?

Шу десангиз, озгина фалсафамиз бор эди анчадан бери жамлаб қўйган. Ўзиям жайдари “ун”дан. Сотмоқчимиз уни. Эҳтиёж юзасидан, албатта. Фақат менга эмас, кўни-қўшни, маҳалла-кўй, таниш-билишларга ҳам нафи тегсин учун.



Халқимизда азалдан сотувчиға (яъни, мол эгасига) кўйилган талаблар ёдимда. Аввало, мақбул нарх белгилаш, қолаверса, айбини айтиб сотиш. Модомики, фалсафамиз баҳоси худди вакцинаники сингаридир. Аммо камчилиги нуқсон борасинда бирор нима демоққа ожиздур камина. Коронавирусга қарши эмдори каби “ножўя таъсирлар” қаторига ҳали ҳеч қайси файласуф эътирозини битмаган. Фойдали жиҳатлар устунининг тагидаги “comment”лар эса бисёр.

Ҳақиқатда азалдан сотувчиға (яъни, мол эгасига) кўйилган талаблар ёдимда. Аввало, мақбул нарх белгилаш, қолаверса, айбини айтиб сотиш. Модомики, фалсафамиз баҳоси худди вакцинаники сингаридир. Аммо камчилиги нуқсон борасинда бирор нима демоққа ожиздур камина. Коронавирусга қарши эмдори каби “ножўя таъсирлар” қаторига ҳали ҳеч қайси файласуф эътирозини битмаган. Фойдали жиҳатлар устунининг тагидаги “comment”лар эса бисёр.

Ҳақиқатда азалдан сотувчиға (яъни, мол эгасига) кўйилган талаблар ёдимда. Аввало, мақбул нарх белгилаш, қолаверса, айбини айтиб сотиш. Модомики, фалсафамиз баҳоси худди вакцинаники сингаридир. Аммо камчилиги нуқсон борасинда бирор нима демоққа ожиздур камина. Коронавирусга қарши эмдори каби “ножўя таъсирлар” қаторига ҳали ҳеч қайси файласуф эътирозини битмаган. Фойдали жиҳатлар устунининг тагидаги “comment”лар эса бисёр.

Ҳақиқатда азалдан сотувчиға (яъни, мол эгасига) кўйилган талаблар ёдимда. Аввало, мақбул нарх белгилаш, қолаверса, айбини айтиб сотиш. Модомики, фалсафамиз баҳоси худди вакцинаники сингаридир. Аммо камчилиги нуқсон борасинда бирор нима демоққа ожиздур камина. Коронавирусга қарши эмдори каби “ножўя таъсирлар” қаторига ҳали ҳеч қайси файласуф эътирозини битмаган. Фойдали жиҳатлар устунининг тагидаги “comment”лар эса бисёр.

Ҳақиқатда азалдан сотувчиға (яъни, мол эгасига) кўйилган талаблар ёдимда. Аввало, мақбул нарх белгилаш, қолаверса, айбини айтиб сотиш. Модомики, фалсафамиз баҳоси худди вакцинаники сингаридир. Аммо камчилиги нуқсон борасинда бирор нима демоққа ожиздур камина. Коронавирусга қарши эмдори каби “ножўя таъсирлар” қаторига ҳали ҳеч қайси файласуф эътирозини битмаган. Фойдали жиҳатлар устунининг тагидаги “comment”лар эса бисёр.



ПРОФЕССОР  
ЎКТАМ ПАРДАЕВИЧ  
УМУРЗОҚОВ

Ўзбекистон олий таълим тизими оғир жудоликка учради. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори, Республика олий таълим кенгаши раиси, таниқли олим ва педагог, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор **Ўктам Пардаевич Умурзоқов** шу йил 26 июль кун 68 ёшида вафот этди.

Ўктам Умурзоқов 1952 йили Сирдарё вилоятида зиёлилар оиласида таваллуд толган. Ўрта мактабдан сўнг, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ўқиб, 1974 йили имтиёзли диплом билан битирган.

Меҳнат фаолиятини мазкур институтда кичик илмий ходимликдан бошлаб, бир умр шу даргоҳда меҳнат қилди. Лаборатория мудир, факультет декани, қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари тайёрлаш маркази проректори, илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор, ўқув ишлари бўйича биринчи проректор, ректор маслаҳатчиси ҳамда ректор вазифасида самарали иш олиб борди.

Жонқуяр олим ва педагог бутун онгли ҳаётини мамлакатимизда олий таълимни ривожлантириш, қишлоқ ва сув хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот ишлари самарасини оширишдек эзгу мақсадларга бағишлади. Айниқса, охириги йилларда Республика олий таълим кенгаши раиси сифатида соҳада белгиланган ислохотларни амалга ошириш, таълим сифатини яхшилаш, илгор хорижий тажрибаларни жорий этиш ишларига бош-қош бўлди.

Ўктам Умурзоқов илмий-педагогик фаолияти давомида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш бўйича 250 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалар яратди, патентлар олди. Хорижда 4 та монографияси ва 30 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилди.

Ўктам Пардаевич мамлакатимизнинг ривожланиш йўлини ва замон талабларини теран илговчи зукко раҳбар эди. Унинг ташаббуси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида 15 дан ортиқ янги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари очилди. АҚШ, Нидерландия, Словакия, Венгрия, Беларусдаги етакчи муассасалар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилди.

Меҳрибон ва талабчан устознинг илмий раҳбарлигида 20 дан зиёд фан доктори ва фан номзодлари етишиб чиқди. Шунингдек, сўнгги 3 йилда 80 дан ортиқ тадқиқотчилар диссертация ёқлаши натижасида институтнинг илмий салоҳияти қарийб 12 фоизга ўсиб, 52 фоздан ошди.

Ўктам Умурзоқов раҳбарлигида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти халқаро майдонда ҳам ўз ўрнига эга бўлди, жаҳон университетлари рейтингларидан жой олди.

Институт 2019 йили республика олий таълим муассасалари рейтингига умумий натижалар бўйича 2-ўринни, муҳандислик соҳаси бўйича 1-ўринни эгаллаган эди.

Ўктам Умурзоқов бир неча илмий кенгашлар раиси сифатида мамлакатимиз учун юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга ҳам катта ҳисса қўшди. Олим “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “Ирригация ва мелиорация”, “Молиячи маълумотномаси”, “Экономический вестник Узбекистана”, “Sustainable Agriculture”, “Agroiqtisodiyot”, “Agro ilm”, “Business Economics”, “Ўзбекистон Замини”, “Агробизнес информ” каби журналлар таҳририятининг аъзоси ҳам эди.

Ўктам Умурзоқов мамлакатимиз илмий ва педагогик жамоатчилиги ўртасида кўзга кўринган йирик олим, тажрибали раҳбар ва дошишман устоз сифатида катта ҳурмат ва эътибор қозонган эди.

Сермазмун ҳаёти ва ибратли фаолиятини ёш авлодга баркамол этиб тарбиялашдек эзгу ишга бағишлаган заҳматқаш олим, тажрибали педагог, самимий ва камтарин инсон Ўктам Умурзоқовнинг ёрқин хотираси дўстлари, ҳамкасблари ва шоғирдлари, мамлакатимиз зиёлилари қалбда доимо сақланиб қолади.

Бир гуруҳ дўстлари ва ҳамкасблари

## БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ...

РЕКЛАМА

Ёшлар учун муносиб шарт-шароит яратиш фаровон келажаkning тамал тоши бўлади, шубҳасиз. Шу сабаб бугун юртимизда ўғил-қизларнинг сифатли таълим-тарбия олиши учун мактабгача таълим ташкилотлариданоқ жиддий эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда республикамизда МТТлар сонининг мунтазам ошиб бораётгани ҳам фикримиз исботидир. Бу эътибордан ота-оналар мамнун. Қўлай шарт-шароитлар болажонларга ҳам чексиз завқ-шавқ, қувонч улашаётир.



Хива шаҳрининг Калтаминор маҳалласи аҳлининг мушулки осон бўлди. Боиси, болажонлар учун бу ерда 360 ўринли 16-МТТ барпо этилмоқда. Муассасада сув ҳавзаси, ўйингоҳлар билан бирга машғулотлар учун барча қўлайликлар яратилиши режа-

лаштирилган. Ушбу маскан Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Хоразм вилояти бўлими буюртмаси асосида “Хива пирнаҳос қурилиш” хусусий корхонаси томонидан бунёд этилмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Шовот туманининг Қиёт маҳалласидаги 1990 йиллар бунёд этилган 8-МТТ биноси абгор ҳолатда эди. Ушбу 180 ўринли болажонлар маскани ҳам инвестиция дастурига кўра, 3 миллиард 800 миллион сўм эвазига реконструкция қилинмоқда. Барча бино-иншоотлар таъмир-

дойлик кўрсатишяпти. Аҳил жамоа Тахياتош шаҳридаги 10-мактабгача таълим ташкилотини ҳам реконструкция қилиниши ҳаммага олган. Бу ерда мавжуд иншоот ўрнида 180 ўринли болажонлар маскани инвестиция лойиҳаси доирасида 5 миллиард 200 миллион сўм эвазига бунёд этилмоқда. Хўжайли туманининг Қирқинши маҳалласидаги 6-МТТ давлат дастури асосида реконструкция қилинмоқда. Мавжуд бино фойдаланишга яроқсизлиги учун унинг ўрнида икки қаватли, барча қўлайликларга эга, 120 ўринли маскан барпо этилмоқда. Ушбу иншоотни тажрибали курувчи Баҳодир Бектурсунов бошчилигидаги “Нукус дренаж реконструкция” масъулияти чекланган жамияти жамоаси қарийб 3 миллиард сўм эвазига барпо этмоқда. Айни дам масканда сўнгги пардозлаш



Суратда (чапдан ўннга): “Нукус дренаж реконструкция” МЧЖ раҳбари Баҳодир Бектурсунов, қурилиш-техник назоратчи Улугбек Алланов ва иш юритувчи Бахт Абдов.

Ана шундай хайрли ишлар Қорақалпоғистон Республикасида ҳам давом этмоқда. Хўжайли туманининг Кумжиққин маҳалласида Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” ДУКнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими буюртмаси асосида 90 ўринли янги мактабгача таълим ташкилоти қуриляпти.

Бу икки қаватли, замонавий муассасани барпо этишда Женис Алланазаров бошчилигидаги “Нукус Туран қурилиш” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари фи-

ишлари давом этмоқда. Кейгили туманининг Кумшунгул маҳалласидаги 24-мактаб ўқувчилари мослаштирил-

ган ҳамда таъмирталаб бинода таҳсил олишар эди. Энди ушбу масканни мукамал таъмирлашни “Naveral Kegeyli” МЧЖ

курувчилари сидқидилдан бажармоқда. Шунингдек, қор-ёмғирли кунлари лой, ёзда эса чанг-тўзонли йўллар орқали бориладиган Янгибозор маҳалласидаги 417 ўринли 16-мактаб биноси ҳам мукамал таъмирланмоқда. 1989 йили барпо этилган иморатнинг том ва пол қисми, эшик ромлари алмаштирилиб, фасади, спорт зали ва синфхоналари замонавий қиёфага келтирилмоқда. Ушбу ўқув даргоҳидаги қурилиш-монтаж ишларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмаси асосида “Метал универсал Акфа” МЧЖ бинокорлари бажаришяпти.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,  
“XXI asr” мухбири



# “Шўртан Газ Кимё мажмуаси”


**масъулияти чекланган жамияти**

Барча юртдошларимизни мамлақтимизда  
 кенг нишонланган мусулмонларнинг  
 энг улуғ байрами – ийди Қурбон ҳайити  
 муносабати билан табриқлайди.

Ҳайит хонадонингизга тинчлик, хотиржамлик,  
 гасмурхонингизга барака олиб келсин!

Яратган шу улуғ кунларда кўнглингиздан  
 ўтказган жамики эзгу тилақларингизни  
 ижобат қилсин!

Ҳайит айёмингиз муборақ, эътиқодингиз  
 мустаҳкам бўлсин!



## Самарқанд вилояти Пастдарғом туман йўллардан фойдаланиш бўлими жамоаси

Қурбон ҳайитини муносиб қутиб олган  
 ватандошларимизни салимий қутлаб, юртимиз тинч, халқимиз  
 ҳаёти фаровон, оилаларда  
 хотиржамлик барқарор бўлишини тилайди!

Шукўҳли кунларда инсоният бошидаги балоларни даф этишни  
 Яратгандан сўраш баробарида эзу  
 ниётларимиз амама ошмоғидан ушидворлимиз.

Ушришимизнинг ганимат бўлган ҳар қуни, лаҳзаси  
 байрамларга бой бўлсин!

# МИНГТЕПАЛИК ДЕПУТАТНИНГ АРМОНИ

## ЁХУД O'zLiDeP ТАШКИЛ ТОПГАНИДАН БЕРИ ФИДОЙИЛИК КЎРСАТАЁТГАН ЗАМОНДОШИМИЗНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИ ХУСУСИДА НООДАТИЙ МУЛОҚОТ

Аввалдан айтиб қўяй, мен журналист эмасман. Оз-моз ёзувчизув қўлимдан келгани боис ушбу жанри номаълум суҳбатни тайёрладим. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлсам-да, қўлимдан келганича элдошларим корига яраб юрибман. Бугун томошабинлик қилиб, осмонга қараб ўтирадиган замон эмас.

– Ақлингиз борми? – деди кунлардан бир куни қўшни бинода ойнасозлик билан умргузаронлик қилаётган Аъзамжон, – ақли одам пул топади, – сўзида давом этди у. – Мана бир ёшгина йигит дарвозангиз ёнидаги биносини юз долларга ижарага берибди. У пул топапти. Шундан ўргансангиз бўлмайди? Оилани, фарзандларни, тирикчилишни ўйла-маслик – телбалик!  
– Сиз ҳам анойилардан эмасиз, пул топиш йўлида тинмайсиз, ақлисиз, – дея мийғимда кулиб қўйдим.  
– Нега куласиз? Иккита хонада кутубхона очибсиз. Яна денг ўз пулингизга мингдан ортиқ китоблар сотиб олибсиз деб эшитдим. Бепул хизмат кўрсатармиши кутубхонангиз? Мутахассисларни ишга олиб, ойлик ҳам тўлар экансиз, шу ростми?  
– Ишонмадингизми, унда ўзларидан сўранг!  
– Ҳамма тирикчилик деб, ўзи учун ўл етим бўлиб юрган бир пайтда сиз бепул хизмат кўрсатадиган боғ яратдингиз. Темир китоблар ўрнатибсиз боққа. Қанча тураркан сир бўлмас?  
– 170 минг сўм.  
– Битта китобми?  
– Битта саҳифаси!  
– Шу даражада содда деб ўйлаясизми мени? – овозини кўтарди Аъзамжон. – Болаларингизга едирмай-ичирмай, борингизни шундай ишларга сарфлаб юрибсизми? Тагин ўртада мутолаа бурчаги ҳам очибсиз. Скамейкалар, уларнинг орасига катта хонтахта ўрнатиб, ҳар куни газета-журнал, китоблар ҳам қўйиб қўяётган экансиз. Шулар ҳам текингами?  
– Бўлмасам-чи.  
– Тепасини нимадан ёлгансиз?  
– Полигалдан.  
– Роса қимматдир-а?

– 2 миллион 500 минг сўм.  
– Ҳаммасими?  
– Бир донаси.  
– Китоб ўқиш жойи учун шунча пул сарфлаш... ақли одамнинг иши десам, одамлар устимиздан кулса керак-ов. Хўш, энди айтинг-чи менга, шу ишларингиз учун лоақал битта одам раҳмат айтди?  
– Айтди. Юзтадан биттаси.  
– Ана, кўрдингизми, сизнинг қилаётган яхшиликнингизни билишмайди, – Аъзамжон туюқиб кетди. – Кеча бир оқсоқол, ким эди? Ҳа, китоблари чиққан одам бор-ку, эсладим, Қодиржон тоға ҳам ўзингизга маломат қилди: “Бўлди энди. Бир умр халқ учун ишладинг. Раҳмат эшитмадинг. Ҳозиргилар тушунмайди. Раҳбарлар ҳам. Кўкрагингга орден-медал тақиб қўйишди? Энди ўзингни, болаларингни ўйла”. У киши тўғри айтади. Ҳадеб маънавият, маънавият демасдан, моддийни ҳам ўйлаш керак-да.

Бир куни туманинг аввалги ҳокими билан бирга юрадиган одам бор эди-ку, маслаҳатчисидами-ей, ўша ҳам айтибди: “Бу одам маънавият деб кўйилади. Ўзи ҳам емайди, бировга ҳам едирмайди. Бошқа одам бўлганда бу богда музқаймоқлар, салқин ичимликлар сотиб, пулингиз тагида қолиши мумкин эди. Ўз ҳисобидан очиб ва ёпиқ музей, Хотира мажмуаси, тарихий тематик парк қуриб, яна уларга киришни бепул қилиб қўйганига ўлайми?”. Ўзингизга ҳам айтишайтандир?

– Ҳа, менга вилоятда ишлайдиган бир раҳбар эътироз билдирди. Биз йўл бўйларига қураётган покизахона (ичида таҳоратхона, мустаҳабхона ва ҳожатхоналари мавжуд), вай-фай ва кутубхоналарга қўйилган ёзувлардаги “бепул” сўзини ўчириб ташлашимиз керак эмиш. Энг қизиғи, бир тошкентлик бой биз яратган имкониятлардан фойдалангач, “Неча сўм бўлади?” деса, бизникилар “Бепул” деб жавоб беришса, ишонмапти. “Йўғ-е, бунақаси Тошкonda ҳам йўқ, ахир, қўйинглар, хижолат қилманглар, нимадир берайин” деб туриб олибди. Богдагилар кулиб, “Ҳа, майли, фақат беминнат нарса бўлса беринг”, дейишса, ҳалиги меҳмон хижолат тортиб, “Хўп, айтинглари-чи” дегач, “Шу боғни яратган инсон ҳақида эшитмагандирсиз, у кишининг ўзлари иккинчи гуруҳ ногирони, лекин ҳаммамиздан кўра саҳоватпеша ва ҳўли очик, ҳақларига дуо қилсангиз бўлди” дебди. “Қани, ўзлари қаердалар, бир танишайин бўлмаса, шундай дуоталаблар борлиги учун дунё яшаб турибди-да” дея кўзларида ёш билан қўлларини очибди...

– Ана кўрдингизми? Бекорга одам раҳбар ёки бой бўлмаган. Улар зўр машиналарда юрадилар. Сиз эса пиёда. Уларнинг, аниқроғи, ҳозир кўпчиликнинг уйларини кўрсангиз қаср. Сиз эски “финский”, тўғрироғи, эшитишимча, ёшлик пайтингизда ҳани-хуни қилиб, қирқ йил аввал ўз қўлингиз билан қурган уйда яшар экансиз. Усталар бу етим бола-да, пул йўқ деб куриб беришга унашмаган эканлар. Ҳадеб “маънавият, маърифат” деб юрмасдан ўзингизга зўр уй солмайсизми, машина олмайсизми? Сиз тенгилар чойхонаю санаторийларда маза қилиб қариллик гаштини суриб юрибди ахир! Шу ҳолингиз билан ана оғир сумка кўтариб юргангиз нимаси?

– Маҳаллаларга китоб тарқатиб юрибман-да, ука.  
– Қани, қандай китоблар экан?  
– Тарихий мавзудагилари кўпроқ, ўтмишни билмаган одам кул дейишди ахир.  
– Кўрсам бўладими?  
– Мана, “Мингтепа” китоби. Аввалги йили Президентимиз Андижонга келганда Шахлохон қизим у кишига Мингтепа ҳақида гапириб берган эди. Ушанда давлатимиз раҳбари бой меросимизни ўзида сақлаб келаётган маскан – қадимий Мингтепа археология ёдгорлиги ҳақида эшитиб, жуда руҳланган ва бу жойни халқимиз орасида кўпроқ тарғиб қилиш кераклигини айтган эканлар. Шундан кейин қизим роса елиб-югуриб яхшигина илмий-оммабоп тўплам яратди. Мана китоблар орасида Манноп Эгамбердиевнинг “Сариқ аждар ҳамласи” романи ҳам бор...

– Қанча тарқатасиз? – Аъзамжон бироз бўшади.  
– 150 дона. Ҳозир ўқув семинар ўтказаямиз. Ўғлим Ҳасанали билан қизим Шахлохон туманинг чекка маҳаллаларига чиқиб кетишди. Мен эса пиёда юриб, маҳаллаларга китобларни хайрия қилиб бераман.

– Бундан бирор фойда ё манфаатдорлик борми?  
– Бўлганда қандоқ, асосийси, китоб мутолаа қилганлар сизга ўхшаб нуқул манфаат ҳақида ўйламайди. Тушундингизми?

– ...  
– “Маънавият боғи” ҳақида бир олим “Бу одамнинг қилган ишини бирорта бой ёки қаҳрамон ҳам қилолмайди”, деган экан?

– Улар ақли одамлар, ўзингиз айтгандай, ақли одам пул топади. Бу ерда эса пул топиламайди. Бу гўшада маъно топилади. Ҳаёт маъноси. Ҳозирги одамларнинг маънавияти маънога эмас шаклга қаратилган. Ахир танани боқиш учун кўпчилик моддийта эътибор қаратади. Тана шаклдир. Рух ўша биз айтган маънодир. Тўғри, маънавиятчилар учун ҳам



тадбирлар ўтказиб тураемиз. Ўз ихтиёрлари билан эмас, мажбуран келишайтганга ўхшайди улар.

– Бир йили сиз билан Андижонга йиғилишга борган бир одам айтиб келган эди. Сиз ўшанда бир маънавиятчи олимга савол берган экансиз...

– Маънавият тўғрисида олим жуда нотиклик билан гапирган эди. Мияга ҳар қандай фикрни қўйиб қўяр эди. Маънавият тарғиботчиларини қўллаш ҳақида ижобий ўзгаришлар тўғрисида чиройли тушунтирди. Тарғиботчиларга маърузалари учун пул тўлаш кўзда тутилган экан. Маънавиятни тарғиб қилувчилар маънавият субъектлари ҳисобланади. Маънавиятни тарғиб этувчи жойлар, масканлар ҳам бор. Бундай жойларни мантиқан маънавият объектлари деб аталади. Маърузада бундай объектлар ҳақида сўз юритилмаган эди. Мен айнан маънавият объектлари тўғрисида сўраган эдим. Шунда олим биз барпо этган маънавият масканини келиб ўрганиш кераклигини айтган эди.

– Келишдими?  
– Йўқ. Вақтлари бўлмаган кўринадим.

– Бундай эзгуликка йўғрилган ишларингизини нима учун журналистлар ёзмайди?  
– Авваллари ёзишар эди. Яхши эслатдингиз. Мушук билан одамнинг фарқи нимада эканлигини биласизми, Аъзамжон? Мушук ҳам, одам ҳам жонзот аслида. Фақат Яратган Эгам томонидан берилган муқаддас неъмат – маънавият одамни жонзот даражасидан ИНСОН номли улуг мавқега кўтарган. Биз бекорга офтобга чиқмайман деб ўтирсак, маънавиятни инкор этсак, фақат моддий нарсалар билан чегаралансак, одам қиёфасидаги жонзот бўлиб қолаверамиз.

\*\*\*  
Бир вақтлар Ўзбекистон Қаҳрамони, буюк шоиримиз Эркин Воҳидов бизнинг маънавият соҳасида қилаётган ишларимиз ҳақида эшитиб (Улугбек Ҳамдам “Инсон билан юксалар Ватан”, Шарқ юлдузи, 2011, №3, 3-19 б.) муаллифдан “Шундай одамлар ҳам ҳаётда бормикан?” деб сўраган экан...

Яна бир қўшимча изоҳни ёзмасам бўлмас: Мингтепанинг Марҳамат қишлоғида улуг олим Маҳмуд Ҳасаний хонадонидида “Маънавият маркази” очилган. Унда етти юздан ортиқ нодир кўлэмза асарлар сақланаяпти. Ҳатто ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг “Ҳамса” асарининг энг нодир кўлэмзаси ҳам бор. Бир замонлар турк дунёсининг буюк алломаларидан бири Алихонтура Соғуний бир китобни излаб, икки марта шу хонадонга келган эканлар.

Бунча мақтанди, бу одам деб ажабланманг, илтимос. Сабаби, маънавият масаласи бугун ниҳоятда долзарб бўлиб турибди. Айниқса, ёшларни ортимиздан эргаштириш учун ҳали кўп ишлашимиз керак.

**Бир армоним бор, бунни ҳам яширмайм:** раҳматли Муҳаммад Юсуф умрининг охирига қадар Марҳамат тумани номи Мингтепа бўлишини орзу қилиб яшади. Яна қанча зиёлилар, оддий одамлар ҳам бу истакнинг рўёбга чиқишини кутишяпти. Минг афсуски, бу борада ҳамон жўяли жавоб йўқ. Лекин қачонлардир Мингтепаданмиз дейиш бизга, авлодларимга насиб этишини истаيمان!

Ўзим O'zLiDeP ташкил бўлганидан бери ушбу сиёсий куч гояларини элдошларим орасида тарғиб этишдан чарчамайман. Мақсад битта: юртимиз обод ва халқимиз фаровон яшасин!

Ортиқали ҲУСАНОВ

**QISHLOQQURILISHBANK**

**ONLINE**

**21%**

Муддатли омонатини таклиф этади

“Қишлоқ қурилиш банк” — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Муддати: 6 ой  
Яиллик фоиз ставкаси: 21%

Маблағлар “QUANT” мобиль иловаси орқали қабул қилинади

**“Ипотека-банк”**

АТИБ Сергели филиалига тегишли бўлган LC9404ZZE русумли ҳамда UAT STRP 2740 01 русумли ўзи ағдарувчи тиркама ва 2 та HOWO SINOTRUK ҳамда HOWO ZZ4257N3847CICB русумли юк тортувчи махсус техникалар сотилади.

**МУРОЖАТ УЧУН:**  
98 125-57-01.

Хизматлар лицензияланган.

“PSB Insurance” МЧЖ сугурта компаниясининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш” бўйича ҳайдовчилар сони чекланган ҳолда фойдаланиш шарти билан берилган PSL 0002587-сонли полис бланкаси йўқолгани сабабли юридик кучини йўқотгани **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси ушбу кенгаш ходими Маъмура Ҳаджибаевага қизи **Фарангизхоннинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

www.qqb.uz  
t.me/qqbank

78 150 00 55 1254  
Хизматлар лицензияланган.